

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамажонов Шерзод Фарходович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198002>

Аннотация. Мақолада ёшлар ўртасида гайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишига қарши курашишига оид миллий ва хорижий қонунчилик, ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрлари, суд-тергов амалиёти таҳлил қилинган. Тақдигот натижалари асосида ёшлар ўртасида гайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишининг олдини олиш, хусусан, шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёшлар, вояга етмаган, бола, гайриижтимоий, гайрихуқуқий, хатти-ҳаракат, жалб қилиш, хулқ-атвор, ҳуқуқбузарлик, жиноят.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ МЕР ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЮ АНТИСОЦИАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В статье анализируются отечественное и зарубежное законодательство, теоретические взгляды ученых правоведов и практика судебного расследования относительно правовых мер противодействия распространению антиобщественного поведения среди молодежи. По результатам исследования разработаны предложения и рекомендации по предотвращению распространения асоциального поведения среди молодежи, в частности, по повышению ответственности за вовлечение человека в асоциальное поведение.

Ключевые слова: молодежь, несовершеннолетний, дети, асоциальный, противоправный, действие, влечеие, поведение, правонарушение, преступление.

IMPROVING LEGAL MEASURES TO COUNTERACT THE SPREAD OF ANTI SOCIAL BEHAVIOUR AMONG YOUNG PEOPLE

Abstract. The article analyses national and foreign legislation, theoretical views of legal scholars and the practice of judicial investigation regarding legal measures to counteract the spread of antisocial behaviour among young people. Based on the results of the study, proposals and recommendations were developed to prevent the spread of antisocial behaviour among young people, in particular, to increase responsibility for involving a person in antisocial behaviour.

Keywords: youth, minor, child, asocial, illegal, action, attraction, behaviour, offence, crime.

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир инсон болалигидан бошлаб ижтимоий муҳит таъсирида вояга етади, натижада унда муайян хулқ-атвор шаклланади. Агар бола ғайриижтимоий муҳит ёки унинг таъсирида катта бўлса, уларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ёки ҳуқуқбузарлик содир қилишга жалб этилиши қолган тенгдошларига нисбатан осон кечади. Статтистик маълумотларга кўра, 2021 йилда жами жиноят содир этган шахслар сонида ёшларнинг улуши 38%ни (шундан: 25-30 ёшдагилар 19,3 %ни, 18-24 ёшдагилар

15,5 %ни, 16-17 ёшдагилар 2,7 %ни, 13-15 ёшдагилар 2,7 %ни) ташкил этган [1]. Мазкур рақамлар, бугунги кунда ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишига қарши кураш масаласи, нафақат, долзарб эканлигидан, балки жамиятда ғайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишига қарши курашнинг ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш зарурати ҳам мавжудлигидан далолат беради.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда ҳар бир бола соғлигини сақлаш ҳуқуқига эга бўлиб, давлат маҳсус чекловларни жорий этиш ва маҳсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкоголга мойилликдан, чекишдан, гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради [2]. Бугунги кунда республикада ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишини олдини олишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги ҳамда назорат қилиш функциясининг ўта бўшлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш, гиёхвандлик ва ичқиликбозликка берилиб кетиш, диний ақидапарастилик ёки турли заرارли оқимлар, гурухлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар тобора кўпаймоқда [3, 19-б.]. Ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишига, улар томонидан жиноят содир этилишига айrim ҳолларда, катта ёшдаги шахслар, хусусан, ота-она, яқин қариндошлар ва бошқа шахсларнинг салбий таъсири, баъзида эса вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракати, содир этган ҳуқуқбузарлиги хақидаги хабар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кечикиб берилиши ёки умуман берилмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, “Вояга етмаганларда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ихтиёрийлик ёки бошқа таъсиrlар натижасида содир этилганликни ўрганиш” бўйича ўтказилган ижтимоий-психологик сўровнома натижаларига кўра, 56,48% ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар болалар ва ўсмиrlар томонидан ўз ихтиёрига кўра содир этилган бўлса, 10,64%и тенгқурлари ёки бошқаларнинг таъсири натижасида, 8,24%и катталарнинг таъсирида, 4,39%и ота-она ва яқинлари ҳамда 11,84%и илгари судланган криминал ҳуқуқли кишилар таъсири натижасида содир этилган [4, 25-26-б.].

Шу ўринда, ёшлар ташки таъсиrlарга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Мутахассисларнинг қайд этишича, айrim ҳолларда ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш мақсадларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслиги оқибатида ёшларда “инфантиллик” (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) кайфияти кузатилади [5, 210-б.].

Айrim тадқиқотчилар “шахснинг, жумладан жиноятчининг шаклланишида ижтимоий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга”лигини таъкидлайди [6]. Бизнингча, жиноят содир этилишига шахснинг хулқ-атвори сабаб бўлса-да, мазкур хулқ-атвор ижтимоий институтларнинг таъсири остида шаклланади.

С.Б.Хўжаулов эса ҳар қандай жиноятнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг жиноят содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши

маълумлигини қайд этади [7]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, айрим вазиятларда, шахслар, айниқса, воя етмаганлар томонидан жиноятлар бошқаларнинг жисмоний ёки руҳий таъсири натижасида содир этилишини таъкидлаш жоиз.

Ўтказилган тадқиқотларда аксарият ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар ўз болаларига тўғри тарбия беришни билмаганликлари, айримлари эса тўғри тарбия бериш ҳақида умуман ўйламаганликлари натижасида вояга етмаган фарзандлари жиноят содир этганликларини билдирган [8, 32-б.].

Шу ўринда “ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракат”, “ғайриижтимоий ҳулқ-атвorum” атамаларининг луғавий маъносига эътибор қаратсак.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ғайри” сўзига “бошқа, ўзга; ташқари” ёки ўзи қўшилган сўзнинг зиддини ясаш учун қўлланилувчи олд бирикма [9], “ижтимоий” сўзига эса “инсон ва жамият ҳаётига оид”, “жамият билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид” каби таърифлар берилган [10]. Демак, “ғайриижтимоий” сўзи “жамиятга зид” маъносида қўлланилади. Мазкур луғатда “ҳатти-ҳаракат” сўзига “юриш–туриш, ҳулқ–атвorum”, “хулқ” сўзига “кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл, ҳарактер”, “кишига одат бўлиб қолган, тақрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат; одат, қилиқ”, “хулқ-атвorum”га эса “хулқ” ва “атвorum” сўзларининг бирикмаси, яъни “феъл–атвorum, ҳарактер” [11] дея таъриф берилган.

Кўриш мумкинки, маъмурий қонунчилик билан тақиқланган ҳатти-ҳаракатга нисбатан “ғайриижтимоий”, жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишга нибатан “ғайрихуқуқий” сўзлари қўлланган. Масалан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайрихуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик — “маъмурий ҳуқуқбузарлик” [12], Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) — “жиноят” [13] ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасида эса “қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиласиган ҳолатлар деб топилади” деган қоида мустаҳкамланган [13].

Миллий қонунчилиқда ғайриижтимоий ҳулқ-атвorum – “шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвorum нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” [14] дея таърифланган бўлса, айрим давлатларда “шахснинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлмайдиган, умумэътироф этилган ҳулқ-атвorum ва ахлоқ нормаларини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлари” [15] ёки “шахснинг қоидабузарлик, ножӯя иш ёки жиноят ҳисобланмайдиган, лекин ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” [16] сифатида баҳоланади.

Фикримизча, шахснинг турмуш тарзи эмас, балки у содир этадиган қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги)гина ғайриижтимоий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Шахснинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган қилмиши “ғайрихуқуқий ҳулқ-атvorum”, бундай турдаги жавобгарликка сабаб бўлмайдиган, умумэътироф этилган ҳулқ-атvorum ва ахлоқ нормаларини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳатти-

ҳаракатлари эса “ғайриижтимоий хулқ-атвөр” ҳисобланади. Агар шахс маъмурий хукуқбузарлик ёки жиноят содир этса, унинг ҳаракати ғайрихуқуқий (ғайриқонуний) деб топилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунига тегишли ўзгаришлар киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасиiga оид миллий ва хорижий қонунчиликда эса “ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар” атамасига берилган таърифлар ўхшашлигини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек, ўзга фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари [17] ҳисобланади. Россия Федерацияси қонунчилигига ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаганнинг мунтазам равишда гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, дайдилик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек, ўзга шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари [18], Тожикистон Республикаси қонунчилигига эса вояга етмаганнинг ғайриижтимоий (қонунга хилоф) хатти-ҳаракатлари – вояга етмаган шахснинг дайдилик, тиланчилик ёки фоҳишалик билан шуғулланиши, гиёхвандлик воситалари, тамаки, психотроп ва маст қилувчи моддалар, спиртли ичимликлар ва улар асосида тайёрланган ичимликларни истеъмол қилиш, шунингдек, бошқа шахслар ва давлатнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари [19]да намоён бўлади. Кўриш мумкинки, дайдилик Ўзбекистон қонунчилигига ғайриижтимоий хатти-ҳаракат сифатида баҳоланмайди. Ваҳоланки, “Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”да жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар содир этиш деганда, жумладан, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлар, пиво ва унинг асосида тайёрланадиган ичимликларни истеъмол қилиш, қимор ўйинларида иштирок этиш, дайдилик ва тиланчилик билан шуғулланишини тушуниш лозимлиги белгиланган [20].

Маълумотларга кўра, 2021 йилда соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган шахсларни ярмидан кўпи ёки 52,6 фоизи, гиёхвандларнинг 71,9 фоизи, спиртли ичимликка ружу қўйганларнинг ярмидан кўпи ёки 57,7 фоизи мажбурий даволанишга юборилмаган [21] бўлса, 2022 йилнинг 6 ойида соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган шахсларни 93 фоизи, гиёхвандларнинг 96 фоизи мажбурий даволанишга юборилмаган, спиртли ичимликка ружу қўйганларнинг атиги 4,1 фоизи, диспансер ҳисобидаги тажовузкор руҳий касалларнинг 52 фоизи мажбурий даволанишга юборилган, холос [22].

“Ғайриижтимоий хатти-ҳаракат” тушунчасига тадқиқотчилар томонидан турлича таърифлар берилган. Масалан, Н.Ў.Ашуреванинг фикрича, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат - “ахлоқ-одоб нормаларига зид бўлган, жамоат тартибига, кишиларнинг нормал ҳаёт

кечириши ва фаолиятига заарар етказадиган турли хатти-ҳаракатлар” [3, 13-б.] хисобланса, Азим Ш.О. ғайриижтимоий хатти-ҳаракатни “умумлаштирувчи, турдош тушунча сифатида вояга етмаган шахс ундаладиган ёки жалб қилинадиган ҳамда ўз юридик табиатига кўра жиноий, ғайриқонуний ёки ғайриижтимоий деб тавсифланадиган хатти-ҳаракатлардир” [23, 18-б.] дея таърифлайди.

Шу билан бирга, Н.Ў.Ашуррова, вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари – ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланиш, шунингдек, ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатларини ғайриижтимоий хатти-ҳаракат деб хисоблайди [3, 22-б.], дайдиликни эса ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар тоифасига киритмайди.

Фикримизча, дайдилик ҳам ғайриижтимоий хатти-ҳаракат сифатида қонунчиликда акс эттирилиши, уни жамиятда, хусусан вояга етмаганлар ўртасида олдини олиш чоралари қонун даражасида аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Қонунчиликда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (кейинги ўринларда – МЖтК) вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖтК 188-моддаси) ва вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (МЖтК 188¹-моддаси) учун алоҳида моддаларда жавобгарлик назарда тутилган [12]. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (кейинги ўринларда – ЖК) эса вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ва вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш учун битта моддада (ЖК 127-моддаси) жавобгарлик белгиланган [13]. Айрим хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигига эса вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш учун жавобгарлик алоҳида нормада кўрсатилганлигини кўриш мумкин [24; 25].

Вояга етмаган шахсни тиланчилик қилишга жалб қилиш учун жавобгарлик эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноят қонунида ҳам умумий норманинг алоҳида қисмида акс этган (Қаранг: МЖтК 188³-моддаси, 2-қисми; ЖК 127¹-моддаси, 2-қисми) [12; 13]. Эътибор қаратиш лозимки, гарчи қонунчиликда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этиш ғайриижтимоий хатти-ҳаракат сифатида баҳоланмаса-да, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган (Қаранг: МЖтК 191-моддаси 2-қисми; ЖК 278-моддаси 3-қисми) [12; 13].

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига, иродасига таъсир қиласидиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилишда намоён бўлади (МЖтК 188-моддаси) [12].

Республикада 2021 йилда 27 нафар шахсга нисбатан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖтК 188-моддаси) бўйича 19 та

маъмурий иш кўрилиб, 14 та иш бўйича 20 нафар шахсга нисбатан, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (1881-модда.) бўйича 44 нафар шахсга нисбатан 33 та маъмурий иш кўрилиб, 30 та иш бўйича 33 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган [26]. Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг 30%га яқини катта ёшдагилар таъсирида содир этилади. [3,13-б.].

Жиноят қонунида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жинояти вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиласидиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса; вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш ва вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда ифодаланади (ЖК 127-моддаси) [13].

МУХОКАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга кўра, суд-тергов амалиётида вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштироқида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқилаётганда, катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти синчиклаб аниқланилиши лозим. Чунки, ўн саккиз ёшга тўлган ва жиноятни қасдан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қиласа–ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас [27].

Кўриш мумкинки, миллий қонунчиликда хулқ-атвор икки турга, яъни “хуқуқбузарликлар” ва “бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар” [17], “ғайриқонуний” ва “ахлоққа зид хулқ-атвор” га [13, 56-модда биринчи қисми “и” банди таҳлили], шунингдек, “ғайриижтимоий хулқ-атвор” ва “хуқуқбузарликлар”га [28] ажратилган.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноят-хуқуқий чораларини тадқиқ қилган Азим Ш.О. эса вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш таркибларини учта асосий гурухга ажратади. Булар вояга етмаганларни: 1) жиноий хатти-ҳаракатларга; 2) ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга; 3) аксилижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилишдир [23, 11-б.].

Фикримизча, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг бундай гурухланиши мунозарали. Биринчидан, жиноят ҳам ғайриқонуний, ҳам ғайриижтимоий қилмиш ҳисобланади, иккинчидан, ғайриқонуний хатти-ҳаракат жиноий қилмишни ҳам ўз ичига қамраб олади, учинчидан, норматив-хуқуқий хужжатларда ахлоқ–одоб нормаларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан “аксилижтимоий” эмас, балки “ғайриижтимоий” жумласи қўлланилган [12;13;14;17].

Бизнингча, ғайриижтимоий ёки ғайрихуқуқий (ғайриқонуний) хатти-ҳаракатларга жалб этишни қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

- 1) ғайрихуқуқий (ғайриқонуний) хатти-ҳаракатларга жалб қилиш:

- а) жиноят содир этишга (Жиноят кодекси билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш);
- б) маъмурий хуқуқбузарлик содир этишга (қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган);
- в) ғайрихуқуқий, лекин хуқуқбузарлик ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар содир этишга (маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилмаган, лекин қонунчилик билан (фуқаролик, оила, меҳнат қонунчилиги ва ш.к.) тақиқланган);
- 2) ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга (ахлоқ–одоб нормаларига зид бўлган, лекин ғайрихуқуқий ҳисобланмаган) жалб қилиш.

Тиланчилик қилиш ёки фоҳишалик билан шуғулланиш, гарчи, ғайриижтимоий ҳисобланса-да, содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилганлиги сабабли хуқуқбузарлик ҳисобланади. Бизнингча, вояга етмаган шахснинг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этиши хуқуқбузарлиги тиланчилик қилиш ёки фоҳишалик билан шуғулланиш каби ғайриижтимоий хатти-ҳаракат сифатида ҳам қонунчиликда акс эттирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ти қонунида “ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар” тушунчасига берилган таърифга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ти қонунида “давлат маҳсус чекловларни жорий этиш ва маҳсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкоголга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради” деган қоида мустаҳкамланган [2]. Фикримизча, “ахборот асри”да давлат болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам амалга ошириши зарур. Шунингдек, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, бу соҳадаги маҳсус ваколатли давлат органининг қонуний фаолиятига тўқсиналиқ қилиш, шунингдек, унинг кўрсатмаларини бажармаслик қилмиши учун жавобгарлик белгиланиши ҳам жамиятда болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолатига зарар етказувчи ахборот тарқалишини олдини олишнинг хуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиласди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунида “ғайриижтимоий хулқ-атвор” тушунчасига берилган таърифни қуйидаги таҳrirда баён этиш:

“ғайриижтимоий хулқ-атвор – шахснинг маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноят ҳисобланмайдиган, умумэътироф этилган хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларини, бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки зарар етказили реал хавфини тугдиралигандан хатти-ҳаракатлари”;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунига “ғайрихуқуқий хулқ-атвор” тушунчасини киритиш ва унга қуйидагича таъриф бериш:

“гайрихуқуқий хулқ-атвор – шахснинг маъмурий ҳукуқбузарлик ёки жиноят содир этишида ифодаланган құлмисиши (харакат ёки ҳаракатсизлиги)”;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларниң профилактикаси тўғрисида”ти қонунида “ғайриижтимоий хатти-харакатлар” тушунчаси ва унга берилган таърифни қуйидаги таҳrirда баён этиш:

“вояга етмаган шахснинг гайриижтимоий хулқ-атвори – вояга етмаганинг маъмурий ҳукуқбузарлик ёки жиноят ҳисобланмайдиган, умумэътироф этилган хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларини, боиқа шахсларниң ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки зарар етказии реал хавфини туғдирадиган хатти-харакатлари”;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларниң профилактикаси тўғрисида”ти қонунига “ғайрихуқуқий хулқ-атвор” тушунчасини киритиш ва унга қуйидагича таъриф бериш:

“вояга етмаган шахснинг гайрихуқуқий хулқ-атвори – вояга етмаганинг маъмурий ҳукуқбузарлик ёки жиноят содир этишида ифодаланган құлмисиши (харакат ёки ҳаракатсизлиги)”;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188-моддаси диспозицияси ва санкциясини қуйидаги таҳrirда баён этиш:

“Вояга етмаган шахсни тамаки, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлар истеъмол қилишига, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиласиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишига жалб қилиши —

базавий ҳисоблаши миқдорининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишига сабаб бўлади.”;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 127-моддаси биринчи қисми диспозициясини қуйидаги таҳrirда баён этиш:

“Вояга етмаган шахсни тамаки, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлар истеъмол қилишига, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиласиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишига жалб қилиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —”;

еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ти қонунини 22-моддаси еттинчи қисмини қуйидаги таҳrirда баён этиш:

“Давлат маҳсус чекловларни жорий этиши ва маҳсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани тамаки, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ёхуд интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган боиқа моддаларни истеъмол қилишидан, болаларниң соглигига зарар етказувчи ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиши бўйича зарур чораларни кўради”;

саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш

тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 189²-модда билан тўлдириш:

“189²-модда. Болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шунингдек, болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулотини ёки муайян ёш тоифаларидағи болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти тарқатиши қоидаларини ёхуд ахборот маҳсулотининг айланшишига қўйиладиган талабларни бузиш,—

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беши бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса,—

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беши бараваригача, мансабдор шахсларга эса беши бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.”;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши соҳадаги маҳсус ваколатли давлат органининг қонуний фаолиятига тўскинлик қилиш, шунингдек, унинг кўрсатмаларини бажармаслик қилмиши учун жавобгарликни назарда тутувчи 197⁷-модда билан тўлдириш:

“197⁷-модда. Болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг қонуний фаолиятига тўскинлик қилиш, шунингдек, унинг кўрсатмаларини бажармаслик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши соҳасидаги қонуний фаолиятига тўскинлик қилиш, шунингдек, болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиши ҳамда уларнинг олдини олишига доир кўрсатмаларини бажармаслик,—

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беши бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беши бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса,—

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беши бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.”;

ўнинчидан, шахсни (вояга етмаганни) ғайриижтимоий ёки ғайрихуқуқий (ғайриқонуний) хатти-ҳаракатларга жалб этишини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ: 1) ғайрихуқуқий (ғайриқонуний) хатти-ҳаракатларга жалб қилиш: а) жиноят содир этишга (Жиноят кодекси билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш); б)

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга (қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган); в) ғайрихуқуқий, лекин ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайдиган хатти-харакатлар содир этишга (маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилмаган, лекин бошқа қонунчилик билан (фуқаролик, оила, меҳнат қонунчилиги ва ш.к.) тақиқланган); 2) ғайриижтимоий хатти-харакатга (ахлок-одоб нормалариға зид бўлган, лекин ғайрихуқуқий ҳисобланмаган) жалб қилиш;

ўн биринчидан, тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилган “Шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишини олдини олишнинг 10 та самарали усули” деб номланган, инновацион услубда тайёрланган тавсияларни жамоатчиликка етказиш орқали ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хулқ-атвор тарқалишининг камайишига эришиш.

REFERENCES

1. Jinoyat sodir etgan shaxslarning yoshi bo‘yicha tarkibi // <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2> (мурожаат санаси 20.09.2022 йил).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон қонуни [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/uz/docs/1297315> (мурожаат санаси: 20.09.2022).
3. Ашурова Н.Ў. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик: Юрид. фан. докт. (PhD). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 58 б.
4. Комилова М.О., Исканджанова Ф.К. Ғайриижтимоий хатти-харакат ва қизиқишлир болалар ва ўсминаларда хулқ оғишини келтириб чиқарувчи омил сифатида // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 6-сон. 24-30 б.
5. А. Т. Усманов Ёшларнинг экстремистик ва террористик ташкилотлартаъсирига тушиб қолиш сабабларини олдини олиш // Ички ишлар органларига 30 йил: ривожланиш йўли, ислохотлар ва истиқболлар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2021 йил 30 октябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. Б.209-212
6. Файзуллаева В.Г. Влияние негативных изменений в социальной среде на криминализацию несовершеннолетних и молодежи и предупреждение преступлений среди них. Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – С.24.
7. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 186 б.
8. Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. докт. (PhD). ... дисс. автореф. – Т., 2019. 54-6.
9. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lugati%20-%20G'.pdf
10. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lugati%20-%20I.pdf
11. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lugati%20-%20X.pdf
12. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/97664> (мурожаат санаси 21.09.2022 йил).

IV-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/6155784> (мурожаат санаси: 26.09.2022 йил).

23. Азим Ш.О. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноят-хуқуқий чоралари: Юрид. фан. докт. (PhD). ... дисс. автореф. –Тошкент, 2020. – 49 б.
24. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ <https://rulaws.ru/uk/>
25. Уголовный Кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-В https://kodeksy-kz.com/ka/ugolovnyj_kodeks.htm
26. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018-2021 йилларда қўриб тамомланган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан статистик маълумотномаси.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/1449720> (мурожаат санаси: 27.09.2022 йил).
28. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги 36, 18, 49-ққ ва 56-сонли қарорига билан тақдиқланган “Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/2501007> (мурожаат санаси: 27.09.2022 йил).